

## **БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА БОШҚА КОРХОНАЛАРГА НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА**

2022 йил “08” - 01

Nº 8

## Сайхунобод тумани

Кейинги матнларда “Етказиб берувчи” деб аталувчи “Гулистан нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти номидан устав асосида фаолият юритувчи директори Х.Туйчев бир томондан ва кейинги матнларда “Истеммолчи” деб аталувчи Гулистан Рес. Баш. Пәсіханың тұтурағының икесінің жағдайына халық  
жершілік деңгээлдерінің Сен. виц. жиһады номидан Нұржан асосида фаолият юритувчи радиари Н.Д. Гулистан иккінчи томондан, ушбу шартноманың күйидагилар хакида түздилар.

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

- 1.1. “Етказиб берувчи” “Истемолчи”нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва микдордаги (автобензин, дизел ёнлигиси, мой маҳсулотлари ва бошқа турдаги нефт маҳсулотларини (кейинги ўринларда нефт маҳсулотлари деб юритилади) нефт маҳсулотларини етказиб бериш, “Истемолчи” эса етказиб берилган нефт маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва хақини тұлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда бажарышни үз зиммаларига оладилар.

1.2. Етказиб берилиши күнде тутилган нефт маҳсулотларининг турлари, уларнинг микдори, сифати ва нархи, шунингдек етказиб бериш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий кисми хисобланған иловада (спецификацияда) күрсетилади.

## 2. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 2.1. Шартноманинг тахминий умумий суммаси 21 449.45-3.24

— сумни ташкил килади.

- 2.2. Узбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ-4664-сонли карорига асосан “Етказиб берувчи” томонидан бюджет ташкилотлари “Узбекистон темир йуллари” АЖ, “Тошшахартрансхизмат” АЖ, маший чикиндиларни тұплаш ва олиб чиқиши буйича давлат корхоналарига дизел ёкілғиси (шу жумладан ЭКО маркалы дизел ёкілғиси) карорда күрсатылған вактдаги биржа савдолари натижаларига күра шаклланған үртапа биржа нархлары буйича нефт махсулотини сотиб олиш, ташиб көлтириш ва нефт база устамаси құшилған холда сотиласы. Мазкур корхоналарга бошка турдаги нефт махсулотлари етказиб берилиши нефт базада шаклланған нархларда сотиласы.

- 2.3. Ушбу шартноманинг 2.2.-бандидан ташкари бошқа барча корхона ва ташкилотларга етказиб бериладиган барча турдаги нефт махсулотлари нефт база томонидан биржга савдолари оркали нефтни кайта ишлаш заводларидан сотиб олиш, ташиб келтириш харажатлари хамла нефт база устаси кўшилиб шаклланган нархларда сотилади.

- 2.4. “Етказиб берувчи” “Истемолчи”нинг буюртмасини олган захоти етказиб берилиши кўзда тутилган нефт маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум қиласди. “Истемолчи” мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефт маҳсулотлари партиясининг тегишли хажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни 5 банк куни ичига амалга оширади. Акс холда “Етказиб берувчи” нефт маҳсулотлари учун янги жорий нархларни кўллашиб мумкин.

- Акс холда Етказиб берувчи нефт махсулотлари учун янги жорий нархларни куллашни мүмкін.  
2.5. Нефт махсулотларининг нархи белгиланган тартибда ўзгартирилган кундан бошлаб келгусида ушбу шартнома буйича етказиб бериладиган нефт махсулотларига янги нархлар кўлланилади. Нарх ўзгарган кунгача харид килинган, лекин “Етказиб берувчи”га тегишли бўлган ФЁТИШ, АЁҚШдан олиб кетилмаган нефт махсулоти қолдигига нисбатан ҳам янги нарх кўлданилади.

- 2.6. Етказиб бериладиган нефт махсулотлари учун тұловни “Истеъмолчи” “Етказиб берувчи”нинг банкдаги хисоб рахамиға пуд үтказып жүрілгенде оның төлемдерін амалдастырылады.

### **3. НЕФТ МАХСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУЛДАЛАРИ**

- 3.1. Нефт махсулотлари "Етказиб берувчи"нинг омборидан ёки унга карашла ФЁТШлар оркали "Истеммолчи"нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефт махсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100 фоиз амалга оширгандигини тасдиқловчи тўлов хужжати нусхаси тақдим этилганда етказиб берилади

- 3.2. Нефт маҳсулотлари “Истемолчи”га “Етказиб берувчи”нинг маҳсус автотранспортида белгиланган тартибида етказиб берилади. Нефть маҳсулотларини шунингдек “Истемолчи” томонидан барча ёнғин ва техника ҳавфизилик талабларига риоҳ килиш буйича масъулияти ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишил ёки ижара олинган маҳсус транспорт воситасида одиб кеттилини мумкин ва бунчай ҳолатда ташин ҳаражатлари койта кўриб чиқишимайди.

- 3.3. Нефт маҳсулотлари омборига нефт маҳсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бершиш шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари нефт база омбори худудига киритилмайди ва уларга нефт маҳсулотларининг қуилишига рухсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг бўш кетиши учун “Етказиб берувчи” жавобгар бўлмайди.

- 3.4. Нефт маҳсулотлари куйилган автоцистерналар (“Истемолчи”нинг автотранспортида олиб кетиш холатлари бундан мустасно) “Истемолчи”нинг талабига биноан “Етказиб берувчи”нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник хуҗжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамогланади.

- 3.5. Нефт маҳсулотларини етказиб бериш мазкур шартномада ёки шартномада асосида берилган буюртманомада кўрсатилган муддатлар ва хажмда, мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида, ушбу шартноманинг 3.1. бандида келтирилган хужжатлар тақдим этилган кундан сўнг амалга оширилади. Нефтиң кайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл ташкилотларининг айби билан юзага келган нефт маҳсулотлари таъминотидаги узилиш холатларида “Етказиб берувчи” томонидан “Истемолчи”ни бу хақда хабардор килинган холда томонлар етказиб беришнинг бошқа муддатини үзаро келишиб олишлари мумкин.

- 3.6. Нефт махулатлари “Истеммолч”га “Етказиб берувчи”нинг тасарруфидаги булган ФЁТШ ва АЁҚШлар орқали тегишли рухсатномалар билан тарқатиш ведомостлари асосида белгиланган тартибида етказиб берилиши хам мумкин.

#### 4. НЕФТЬ МАХСУЛОТЛАРИНИ КАБУЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

- 4.1. “Етказиб берувчи” томонидан “Истеъмолчи”га етказиб берилган нефт маҳсулотлари бевосита “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан кабул килинади. Етказиб берилган нефт маҳсулотларини кабул қилиб олишда “Истеъмолчи” вакили шартномада ёки шартнома иловасида кўрсатилган микдорда ва сифатда шартномада белгиланган талабларга шунингдек амалдаги стандартлар, нормативлар ва йўликномалар асосида амалга оширади.

- 4.2. “Истемлчи”нинг вакили нефт маҳсулотларини олаётган вактда маҳсулотнинг сифати ва миқдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефт маҳсулотларини етказиб берганлик тўғрисидаги тегишли хужжатлар “Етказиб берувчи”нинг нефт омборида ёки унга карашли филиалларда, айрим ҳолларда АЁКШ ва ФЁТШларда расмийлаштирилади ва уларни “Истеъмолчи” томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефт маҳсулотларини қабул килиб олади. Эгалик хукуки, тасодифий нобуд бўлиши, нефт маҳсулотларига зиён этиш хавфи “Етказиб берувчи” омбори ёки АЁКШ, ФЁТШ худудидан чиккан вактдан бошлаб “Истеъмолчи”га ўтади.

## 5. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. “Етказиб берувчи” “Истеъмолчи” га сифати Давлат стандартлари ва техник шартларга жавоб берадиган нефт маҳсулотларини етказиб беришини кафолатгайди. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотларининг сифати 1510 ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу нефт маҳсулотларини автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган хужжатларда кайд этилиши лозим.

5.2. Нефт маҳсулотларини олишда “Истеъмолчи” уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб килиш хукукига эга.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. “Етказиб берувчи” нефт маҳсулотларини ўз вактида етказиб бермаганлик учун ҳар бир кечикирилган кун учун вактида етказилмаган нефт маҳсулотлари суммасининг 0,1 фоизи, лекин 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлади.

6.2. “Етказиб берувчи” нефт маҳсулотлари сифатини ўз хисобидан тиклаб бериш билан бир қаторда “Истеъмолчи”га етказиб берилган сифати лозим даражада бўлмаган нефт маҳсулоти кийматининг 0,1 фоизи миқдорида жарима тўлади.

6.3. “Истеъмолчи” белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефт маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун “Етказиб берувчи”га олинмаган маҳсулот умумий кийматининг 0,1 фоизи миқдорида жарима тўлади.

6.4. Етказиб берилган нефт маҳсулотлари учун ўз вактида ҳак тўламаганда “Истеъмолчи” “Етказиб берувчи”га тўлов муддати кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов сўммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлади, бирок бу кечикирилган тўлов сўммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.5. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатлари билан тартибга солинади.

6.6. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги конун хужжаларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай харакатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришини таклиф килмайди, ваъда бермайди, товламачилик килмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита пора олишга розилик бермайди ёки ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланишга холда пора берган шахснинг мағфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий кийматлар кийматларни содир этиши ёки хуракатларга йўл кўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

## 7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор холатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошкени, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар)) сабаб бўлганиниги исботласа, жавобгар бўлмайди.

## 8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар белгиланган тартибда иктисадий судлар орқали ҳал этилади.

8.2. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий хисобланади.

8.3. Ушбу шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг хукукий кучга эга.

8.4. Шартнома томонлар ўртасида имзолangan кундан бошлаб кучга киради. Агар “Истеъмолчи” бюджет корхонаси, ташкилоти бўлса, бунга кўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг худудий газначилигидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради (рўйхатдан ўтказиц “Истеъмолчи” зиммасида бўлади) ва 2022 йил 31 декабрь якунига кадар амал қиласди.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

“Етказиб берувчи”

“Гулистон нефт базаси” МЧЖ  
Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани,  
Ёшлик кўргони.

х/р: 22604000700469737701

“Ўзсаноаткурилишбанк”нинг Яшнаобод филиали  
МФО: 00432, ИНН: 200323074

Директор:

М. Ў.

Юрист:



“Истеъмолчи”

D'z.R. ВРҲНОК Р. Атаментини  
Guliston sh.A. Navoiy Koishasi 36-uy  
Tel/faks: 225-17-56, 225-31-96  
Манзили:  
SHX#100010860244017036400010001  
INN: 203267214 OKONX: 97400  
x/r: Molija vazirligi Gaznachiligi Amaliyot boshqarmasi  
G'azra X#: 2340200000000001010

банк  
МФО: 203267214, ИНН: 203267214  
MOLIJA VAZIRLIGI GAZNACHILIGI AMALIYOT BOSHQARMASI  
INN: 201172919  
M.V.  
М.В.  
(имзо, мансаби, Ф.И.О.)  
Юрист: C. T. Magtibaev  
C. T. Magtibaev

Гулистан нефтбазаси унитар корхонаси билан Ўз.Р БПХ ИЖКК Департаментининг Сирдарё вилоят бошқармаси  
ўртасида 2022 йилда нефть маҳсулотлари етказиб бериш түғрисида тузилган  
2022 йил “08” 01 даги 8-сонли шартномага


### СПЕЦИФИКАЦИЯ

т/ р	Нефть маҳсулоти номи	1 тонна нархи	Ўл чов бир лиг и	2022 йил учун жами		Январь		Февраль		Март	
				Т-н	Сум	т-н	Сум	т-н	Сум	т-н	Сум
1	Автобензин АИ-80	10636234	т/н	2,11	22442453,74	0,700	7445363,80	0,700	7445363,80	0,710	7551726,14
	Жами			2,11	22442453,74	0,700	7445363,80	0,700	7445363,80	0,710	7551726,14

Таъминотчи:

“Гулистан нефтбазаси” МЧЖ  
Сирдарё вилояти Сайхунобод тумани Ёшлик қўргони  
х/р: 22604000700469737701  
Тошкент шахар “Ўзсаноатқурулишбанк”  
АТБ Яшнаобод филиали  
МФО: 00432; СТИР:200323074  
ОКЕД:46710

Директор Х.Тўйчиев



Юрист

Истеъмолчи:

Ўз.Р.БПХ ИЖДЛҚҚ Департаменти  
Сирдарё вилоят бошқармаси  
Гулистан шаҳар А.Навоий кўчаси 36-йй  
Тел/факс: 225-17-56; 235-00-48:  
Х/Р: 100010860244017036400010001:  
СТИР: 203267214: ОКОНХ: 94700:  
Молия вазирлиги Ғазначилиги  
Ғазна х/р: 23402000300100001010: ИНН 201122919 МФО:00014  
Банк номи: МБХ КМ Тошкент шахар Бош офиси.

Бошқарма боналини



Н.А.Мўминов